

# Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил  
16 январь,  
жума  
№ 2  
(1088)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ТУРИЗМ ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев халқаро маданий тадбирларнинг натижалари, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар ҳамда йирик маданият ва туризм объектларини барпо этишга оид тақдимот билан танишди.**

Сўнги йилларда Ўзбекистон халқаро маданият маконида ўз мавқеини изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси 190 мамлакатдан 3 мингдан ортиқ делегатлар иштирокида муваффақиятли ўтказилди. Тадбир якунларига қўра, Ўзбекистоннинг маданий меросини муҳофаза қилиш, таълим ва креатив иқтисодиёт бўйича ташаббусларини амалиётга жорий этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мамлакатимизнинг Японияда бўлиб ўтган ЭКСПО-2025 Бутунжаҳон кўргазмасидаги иштироки якунлари сарҳисоб қилинди. Ўзбекистоннинг 1,2 минг квадрат метр майдонда ташкил этилган “Билимлар боғи” павильонига 1 миллион нафарга яқин одам ташриф буюрди. Тақдим этилган экспозициялар халқаро миқёсда кенг ёритилди ҳамда энг кўп ташриф буюрилган павильонлар қаторидан жой олди. Айни пайтда Саудия Арабистонида бўлиб ўтadиган ЭКСПО-2030 кўргазмасида иштирок этишга тайёргарлик ишлари бошланиб, майдони 3,6 минг квадрат метр бўлган павильон қурилиши режалаштирилган.

Бухорода ўтказилган биринчи Замоनावий санъат биенналесига алоҳида эътибор берилди. 70 кун давом этган тадбир 3,5 гектар майдонни ва 14 та реставрация қилинган маданий мерос объектларини қамраб олди. Биенналеда 40 дан ортиқ давлатдан 70 нафар ижодкор ва куратор иштирок этди. Тадбирда иштирок этганларнинг сони қарийб 1,8 миллион нафарни ташкил этиб, жумладан, 100 нафардан ортиқ юқори мартабали хорижий меҳмон ташриф буюрди. Ўзбекистоннинг 2021 йилдан буён Венеция биенналесига доимий равишда иштирок этиши эса, Италиядан сайёҳлар оқимининг ўсишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мамлакатда йирик халқаро концерт дастурлари ўтказилди. Хусусан, Тошкентда Женнифер Лопес, Хивада Black Coffee, Самарқандда Андреа Бочеллининг концертлари бўлиб ўтди. Тадбирларни ўтказиш даврида мазкур шаҳарларда меҳмонхоналардан фойдаланиш даражаси 90 фоиздан ошди, бу эса, туризм ва хизматлар соҳаси даромадларига ижобий таъсир кўрсатди.

2025 йилда сайёҳлар сони 11 миллиондан ошди, туристик хизматлар экспорт 4,8 миллиард долларга етгани, шунингдек, визасиз тартиб жорий этилган давлатларнинг сони 94 тага кўпайгани қайд этилди.

Шу билан бирга, туризм соҳасини лойиҳа бошқаруви тизимига ўтказиш, туризм маҳсулотларини яратиш ва ривожлантириш бўйича ягона механизм жорий этиш ҳамда йирик тад-

бирларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳа фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ва хусусий ахборот тизимларини уйғунлаштириб, Миллий туризм платформасини ишга тушириш, туристлар ва тадбиркорлар учун проактив рақамли хизматларни жорий этиш, нақдсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ҳамда туристлар оқимини таҳлил қилиш вазифалари белгилаб берилди. Рақамлаштириш орқали яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва сайёҳлик йиғимидан йиллик тушумларни ошириш режалаштирилгани қайд этилди.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини АҚШ, Форс кўрφαзи давлатлари, Ҳиндистон, Хитой ва Скандинавия каби устувор бозорларда илгари суриш бўйича янги маркетинг стратегиясини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг халқаро туристик платформалардаги иштирокини кенгайтириш, рақамли контентни ривожлантириш ҳамда йирик медиа ресурслари ва фикр етакчиларини жалб қилиш вазифалари белгиланди.

Тақдимотда йирик маданият ва туризм объектлари лойиҳалари кўриб чиқилди.

Самарқандда “Самарқанд мероси йўлаги” лойиҳаси иш бошламоқда. Регистон ансамбли, Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда мажмуалари ҳамда Мирзо Улуғбек расадхонасини 6,6 километрлик ягона сайёҳлик йўналиши ўзаро боғлайди.

Самарқандда янги “Ипак йўли” музейини қуриш лойиҳаси тақдим этилди. Умумий майдони 19,5 минг квадрат метрли ташкил этадиган уч қаватли замонавий бино қурилиб, унда инклюзив муҳит, кўргазма заллари, экспонатларни сақлаш фондлари, шунингдек, таълим олишга мўлжалланган ҳудудларни яратиш кўзда тутилган.

Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида ландшафт дизайнини янгилаш режалаштирилмоқда. Янги музей биноси, иммерсив кўргазма заллари, ташриф буюрувчилар учун марказ барпо этилади. Пиёда йўлакларини ободонлаштирилиб, археологик объектлар ягона музей муҳитига уйғунлаштирилади.

Шунингдек, Бухоро шаҳрининг бош режаси тақдим этилди. Унда қулай шаҳар муҳитини шакллантириш, транспорт ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, конгресс-холл, амфитеатр, кутубхона, фуд-холл, чакана савдо ва тижорат объектлари ҳамда юқори тоифали меҳмонхонани ўз ичига оладиган кўп функцияли мажмуа сифатида тарихий-этнографик боғ барпо этиш назарда тутилган.

Муҳокама якунида Президентимиз маданият лойиҳаларини туризмни ривожлантириш вазифалари билан ўзаро боғлаган ҳолда амалга ошириш, уларнинг иқтисодий барқарорлиги ва сифатли бошқарувини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА

Кейинги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича мутлақо янги механизмларни жорий этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда маҳалларда хавфсиз муҳит яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



### ЯНГИ ҚОНУН:

#### МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз томонидан 2025 йил 3 январда қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор бунга аққол мисолдир.

Қарорда асосий эътибор жиноятларни муҳим инфратузилмани шакллантиришга қаратилган. Шу асосда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига масъул бўлган барча идораларга улкан вазифалар қўйилди ва асосий куч-воситалар айнан шу мақсад учун сафарбар этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶



Кутбиддин БУРҲОНОВ,  
Олий Мажлис Сенати  
Мудофаа ва хавфсизлик  
масалалари  
қўмитаси раиси

Давлатимиз раҳбарининг парламентимиз ва халқимизга Мурожаатномасида белгилаб берилган энг устувор вазифалар ижроси Янги Ўзбекистон тараққиёти, эл-юрт манфаати учун хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу бахтли ҳаёт йўл харитасидир.

Мурожаатномада 2026 йил – “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган бежизга эмас. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал қилиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатларини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланди. Бу эса, давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шаффофлик, самарали қарор қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Нуфузли анжуманда Президентимиз барча соҳалар бўйича жамиятими ҳаётини, фуқароларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга доир муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва

### Муносабат

## ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ:

### бахтли ҳаётимизнинг йўл харитаси



миз барча соҳалар бўйича жамиятими ҳаётини, фуқароларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга

доир муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва

суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Яъни одил судлов жараёнини “рақамли суд” к онцепцияси асосида ташкил этиш бошлангани, эндиликда терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилиши, бунда жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши ва инсон омили қисқартирилиши маълум қилинди. Бу эса, коррупциянинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорларга овозгарчиликсиз тергов жараёни ҳақида тезкор маълумотлар олиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда) ▶

### Мезон

## Суд қарор қилади:

### даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилсин!

Яқинда судга “ТМС” масъулият чекланган жамиятининг тугатиш бошқарувчиси Т.Турсунов (қорхона номи ва исм-шарифлар ўзгартирилган) даъво аризаси билан мурожаат қилди. Унда иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори билан жамият тўловга қобилиятсиз деб топилиб, тугатишга доир иш юритуви белгилангани ва тугатиш бошқарувчиси тайинлангани баён этилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлашга, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий, илмий ва техник ёндашувларни жорий этишга, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга, аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

### Парламент фаолияти




#### ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Депутатлар дастлаб ярим тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

(Давоми 3-бетда) ▶

#### 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



## Янги тафаккур, армия, имкониятлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши мамлакатимиз мудофаа сиёсатида мазмунан янги босқич бошланганини кўрсатди. Йиғилишда билдирилган фикр ва вазифаларни оддий баёнот сифатида эмас, балки бугунги глобал ва минтақавий ўзгаришларга берилган тизимли жавоб сифатида баҳолаш мумкин.

(Давоми 2-бетда) ▶



Эркин ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## Ўз латофати

### “ХАЗОН ЯПРОҒИ...”

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида саргардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй поларуҳ, бу чеҳраи зардим.

Бу нола, бу аламли фарёд урта асрлар қаъридан бизга етиб келиб, юрагимизга ларза солади. Андижон тупроғининг фарзанди, «толе йўқи» бошига балолиғ бўлган саркарда ва аламдий-

да шоир Заҳириддин Бобур қисматини баён қилади, унинг ватандан йироқда, соғинч изтиробини билан кечроғининг фарзанди, «толе йўқи» бошига балолиғ бўлган саркарда ва аламдий-

(Давоми 4-бетда) ▶

## Муносабат

# ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ:

## бахтли ҳаётимизнинг йўл харитаси

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари "Хабеас корпус" институтини қўллашнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлган тергов судьяларига 2026 йилдан санкция ва мажбурият чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатлари ҳам берилиши, шубҳасиз, судга қадар иш юритиш босқичида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Давлатимиз раҳбари айнан одил судловда жамоатчилик иштироки ва родини ошириб бориш масаласига ҳам эътиборни қаратди. Эндиликда жиноят процессига "Халқ вакиллари ҳайъати" институти босқичма-босқич жорий этилиши, бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилиши

сунъий интеллект технологиялари жорий этилади.

Мурожаатномада кун тартибига кўйилган кейинги муҳим масала хотин-қизлар ва болаларни турли зўравонликлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, **аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам бахтли бўлади, албатта. Шунинг учун барчамиз шу олий мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур.**

Президентимиз томонидан аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашига барча давлат идоралари ва кенг жамоатчиликни сафарбар қилган ҳолда бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича самарали ишлайдиган тизим яратилиши топширилди.

Бундан ташқари коррупцияга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ёвуз бало ҳақиқий

ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишга, ривожланишга ғов эканлиги уқтирилди. Президентимиз барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозимини жорий этиш ҳақида таклиф қилиб, 2026 йилда ушбу иллатга қарши курашиш бўйича ўта жиддий иш олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Мурожаатномада нафақат 2026 йилга мўлжалланган Давлат дастури, балки кейинги беш йил давомида амалга ошириладиган ўнлаб концепция, дастур ва стратегиялар ҳақида аниқ таклифлар билдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Мурожаатномасида белгиланган вазиёларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг озуларини рўёбга чиқариш ҳамда халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратишга, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Шундай экан, ҳар биримиз зиммамиздаги улкан масъулиятни теран ҳис этиб, айна эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилсак, албатта, ўз олдимизга қўйган улкан марраларни забт этамиз. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **миллий бирлик жуда муҳим. Бирдамлик кучдир!**

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,**

*жиноят ишлари бўйича*

*Деҳқонobod тумани*

*суди раиси*

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сабаби, бугун жаҳонда ҳарбий-сиёсий вазият бекарорлашиб бораётган, минтақавий можаролар кенгайиб, қуролланиш пойгаси янги шакл касб этаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг хавфсизликка оид ёндашуви алоҳида эътиборга лойиқ.

Бугун замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Хавф-хатарлар фақат ҳарбий майдон билан чекланиб қолмапти. Киберхужумлар, ахборот хуружлари, сунъий интеллект, иқтисодий босим ва геосиёсий таъсир ўтказиш воситалари давлат хавфсизлигининг ажралмас қисмига айланди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг барча соҳа ва тармоқларни "проактив иш режими"га ўтказиш ҳақидаги талаби бугунги глобал вазиятга берилган энг тўғри ва ўз вақтидаги жавобдир. Энди хавфга жавоб бериш эмас, хавфни олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида миллий армиямизни модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, учувчисиз учуш аппаратлари, рақамли бошқарув тизимлари жорий этилмоқда. Қўшинларда янги тактик усуллар синовдан ўтказилиб, жанговар тайёргарлик сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди.

Айниқса, ҳарбий таълим тизимининг тубдан янгиланиши алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳарбий хавфсизлик ва муҳофаа университетининг ташкил этилгани, таълим жараёнига сунъий интеллект,

рақамли баҳолаш ва илгор технологияларнинг жорий этилиши бу келажак офицерлар корпусини тайёрлашда мустақам пойдевор демакдир. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, ҳарбий таълимни модернизация қилмасдан турки, армиянинг янги қиёфасини яратиб бўлмайди.

Йиғилишда илгари сурилган энг муҳим ижтимоий йўналтирилган ташаббуслардан яна бири бу – муддатли ҳарбий хизматга мутлақо янги ёндашувдир. Президентимиз уни фақат ҳарбий бурч эмас, балки ёшлар учун ҳаётини шартли воситалари давлат хавфсизлигининг зарурлигини таъкидлади.

Эндиликда, армияда хизмат қилган ҳар бир ёш камидан битта касб эгаси бўлиб чиқиши, IT, сунъий интеллект, дастурлаш каби замонавий йўналишларда билим олиши, олий таълимга кириши ва меҳнат бозорида ўз ўрнини

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# Янги тафаккур, армия, имкониятлар

топиши учун барча шароит яратилиши бу ҳақиқий ижтимоий ислохотдир.

Жумладан, аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмининг ўзида олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топшириш имконияти яратилди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалikka қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат якунла-



ниши билан олийгоҳда ўқишни бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртида тахсил олмақчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификатини олиш харажатлари қоплаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контрактга кирса, фойсиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари армиядан қайтган ёшлар бандли-

гини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилди. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини қўйган ёшларнинг кредит харажатини 6 фойиз давлат томонидан қопланади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказилган тест балларига 10 фойизлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг оилалари ва ҳарбий пенсия онерларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурди. Уларнинг маошларини ошириш, пенсия ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш, уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш – буларнинг барчаси "инсон қадрини оғир таъминнинг амалдаги ифодасидир.

Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти бўйича алоҳида қонун лойи-

ҳасини ишлаб чиқиб, парламентга киритиш ҳақидаги топшириқ Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Қолаверса, йиғилишда саккиз йил олдин қабул қилинган Муҳофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келгани ҳақидаги фикр алоҳида аҳамият касб этди. Чунки дунё ўзгармоқда, таҳдидлар шакли ва кўлами янгиланмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳарбий блокларга қўшилмаслик мақомини сақлаган ҳолда, кўп томонлама дипломатия, ҳарбий мустақиллик, юқори технологияларга асосланган муҳофаа стратегиясини таъминлаш лозим. Бу ҳужжат мамлакат хавфсизлигига оид қонунчиликни тубдан такомиллаштириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарорлар изчил ва тизимли амалга оширилса, Ўзбекистон армияси фақат миллий хавфсизлик кафолати, балки замонавий, юқори технологияли ва ижтимоий жиҳатдан барқарор институтга айланади.

**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаа қилиш масалалари кўмитаси аъзоси.*

**ЎЗА**



алоҳида таъкидланди.

Яна бир муҳим масала – суд қарори ижроси билан боғлиқ. Бу борада кенг жамоатчиликда кўплаб эътирозлар билдириляётгани ҳаммага маълум. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминламай туриб, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқининг ишончли тикланишига эришиб бўлмайди.

Шу боис, мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмлар татбиқ қилинади. Ушбу тизимга ҳам

ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишга, ривожланишга ғов эканлиги уқтирилди. Президентимиз барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозимини жорий этиш ҳақида таклиф қилиб, 2026 йилда ушбу иллатга қарши курашиш бўйича ўта жиддий иш олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Мурожаатномада нафақат 2026 йилга мўлжалланган Давлат дастури, балки кейинги беш йил давомида амалга ошириладиган ўнлаб концепция, дастур ва стратегиялар ҳақида аниқ таклифлар билдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Мурожаатномасида белгиланган вазиёларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг озуларини рўёбга чиқариш ҳамда халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратишга, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Шундай экан, ҳар биримиз зиммамиздаги улкан масъулиятни теран ҳис этиб, айна эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилсак, албатта, ўз олдимизга қўйган улкан марраларни забт этамиз. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **миллий бирлик жуда муҳим. Бирдамлик кучдир!**

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,**

*жиноят ишлари бўйича*

*Деҳқонobod тумани*

*суди раиси*



### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, даъво аризасида масъулияти чекланган жамият балансида Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Бешёғоч мавзесида хонадон мавжуд экани, ушбу хонадон жавобгар Б.Салимов ва унинг оила аъзолари томонидан қонуний эгаллаб келинаётгани, у билан ижара шартномаси ёки бошқа турдаги шартномалар тузилмагани, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи берилмагани қайд этилган. Жавобгарга уйни ихтиёрий бўшатиш ҳақида талабнома юборилган, лекин у талабномани қабул қилишдан бош тортиб, суд қарори бўлмаса, уйдан чиқмаслигини маълум қилган.

Бу ҳақда 2025 йил 9 сентябрда маҳалла вакиллари ва гувоҳлар иштирокида далолатнома тузилган. Даъво аризасида суддан жавобгар Б.Салимов ва унинг оила аъзоларини манзили кўрсатилган хонадондан чиқариш сўралган.

Ўз навбатида, Б.Салимов судга қарши даъво аризаси такдим қилиб, масъулияти чекланган жамиятнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан берилган даъво аризасида келтирилган ваҳлар билан келишмаслигини маълум қилди. Бу хонадон жамият таъсисчиларининг розилиги асосида 2023 йилда тилхат асосида тўланмаган кредитни қоплаш шарт билан 40.000 АҚШ долларига сотиб олингани, низоли хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқи жамият номига давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса-да, уй кредит маблағлари эвазига харид қилингани билдириди.

Б.Салимов қарши даъво аризасида қайд этилиши, у масъулияти чекланган жамият раҳбари ва банк ходимларининг розилиги билан ушбу

хонадон учун жами 26.000 доллар тўловни амалга оширган, 2023 йил июль ойидан буён турмуш ўртоғи ва 3 нафар вояга етмаган фарзанди билан бу хонадонда доимий яшаб, солиқ ва барча коммунал тўловларни тўлаб келмоқда. Жамият раҳбарияти томонидан унга эътироз билдирилмаган, мазкур ҳолатлар жамият таъсисчиларининг тилхатлари, гувоҳ ва қўшниларнинг кўрсатмалари, маҳалла маълумотномаси билан тасдиқланган.

Шунингдек, Б.Салимов уйни сотди олган пайтда нотариал тартибда олди-сотди шартномасини расмийлаштириш имкони бўлмаганини, лекин тўлов ҳужжатлари ҳақиқатда олди-сотди битими тузилганини тасдиқлашини, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат орқали жамият ўз зиммасига хонадонни сотиб олувчи сифатида унга расмийлаштириш мажбуриятини олгани ва уни тўлиқ бажариши лозимлигини билдирди. Қарши даъво талаби дастлабки даъво инкор қилиши ва рад қилишга асос бўлишини маълум қилди.

Шу муносабат билан Б.Салимов суддан жавобгар "ТМС" масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчиси Т.Турсунов ва таъсисчилар зиммасига Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Бешёғоч мавзесидаги хонадонни кредит мажбуриятлари билан бирга ўзининг номига мулк ҳуқуқи асосида расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўради.

Суд иш ҳужжатларини муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди. Аниқланишича, бахли хонадон, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан расмийлаштирилган 2022 йилдаги олди-сотди шартномасига асосан, даъвогар "ТМС" масъулияти чеклан-

## Мезон Суд қарор

ган жамиятга тегишли бўлиб, мулк давлат рўйхатидан ўтказилган. 2022 йил 28 сентябрда банк ва масъулияти чекланган жамият ўртасида кредит шартномаси тузилди, кредит шартларига кўра, банк қарздорга 8 йил муддатга 60.000 доллар миқдорига кредит ажратган.

Мазкур хонадон 832.500.000 сўмга баҳоланиб, тасарруф этиш ҳуқуқсиз, фақат фойдаланиш ҳуқуқи асосида мулкдорнинг ихтиёрида қолдирилган ҳолда гаровга қўйилган. Шунингдек, ушбу кредитнинг қўшимча таъминоти сифатида йил 23 июнда банк, қарздор "ТМС" масъулияти чекланган жамияти ва кафил Б.Салимов ўртасида 55.600 доллар миқдорига кафиллик шартномаси тузилган.

Шундан сўнг даъвогар "ТМС" масъулияти чекланган жамиятнинг солиқ таъсисчилари жавобгар Б.Салимовга жамиятга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ва банкка гаровга қўйилган ушбу хонадонни кейинчалик расмийлаштириб бериш шарт билан 40.000 долларга сотган.

Бу пул олингани, суд жараёнида тугаб, корхонага қўйилган таққ ечилгач, ушбу уйни расмийлаштириб бериш ва улар ўртасида 10.000 доллар қарздорлик қолгани ҳақида тилхат ёзиб берилган. Солиқ таъсисчиларининг 2023 йил 8 июлда ёзилган тилхатида кредит маблағлари эвазига сотиб олинган уйни ўз розилиги билан Б.Салимовга сотиб, эвазига 40.000 доллар олингани, уйнинг кредитини ўзи тўла-

ши ва тўлиқ тўлов амалга оширилгач, унинг номига ўтказилиши кўрсатилган. Жамият фаолият юритмагани ва тўловга қобилиятсиз ҳолатига келиб, солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлгани сабабли, суднинг 2025 йил 20 августдаги ҳал қилув қарорига асосан "ТМС" масъулияти чекланган жамият тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш белгиланган. Жамиятнинг тугатиш бошқарувчиси этиб Т.Турсунов тасдиқланган.

Маълумки, "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 43-моддасига асосан, жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг йигирма ва ундан ортиқ фойизга эга бўлган жамият иштирокчисининг манфаатдорлиги бўлган битимлар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигисиз жамият томонидан тузилиши мумкин эмас.

Мазкур қонуннинг 44-моддасига мувофиқ, жамиятнинг қузатув кенгаши тузилган тақдирда, қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма бешдан то эллик фойизгачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши таъқиқланган. Солиқ таъсисчиларининг 2023 йил 8 июлда ёзилган тилхатида кредит маблағлари эвазига сотиб олинган уйни ўз розилиги билан Б.Салимовга сотиб, эвазига 40.000 доллар олингани, уйнинг кредитини ўзи тўла-



## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бобур шеърияти бошдан-оёқ ёр ва диёр ҳижрони шарҳидан иборатдир. Унинг ҳар бир байтида айрилиқ дарди, фироқ азоби ошкор бўлиб туради: Мана, юртдан олисда, ғарибликда шоир сарой деразасидан боққа қараб ўлтирибди. Куз фасли дарахтларнинг баргини заъфарон қилган.

Салқин шабада хазон япроқларини учиради. Борлиқда юракни эзувчи бир сокинлик, диққинафаслик. Шоир кўлига қалам олади. Унинг хаёлида ана шу саргайиб бораётган боғ — ўз умри — ғарибликда ғам билан кечаётган хаёти.

У бераҳм ёр сиймосида намоён бўлгучи тақдири азалга мурожаат қилади:

**Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг  
ҳажрида саргардим,  
Кўруб раҳм айлағи, эй лоларух,  
бу чеҳраи зардим.**

Хазон япроғи, ҳажр, сарғариш, чеҳраи зард — бир байтда шунча ғамли ташбеҳлар...

Ким билсин, балки, шоир хаёлида гулюз, лоларух ёр тимсолида олисдаги гўзал Фарғона водийси намоён бўлганда, ахир, шоир учун ёр ва диёр тушунчалари доимо эгиз. Ахир, шеъриятнинг минг йиллик анъанасида ёр тимсоли — инсон қалбининг гўзалликка бўлган ташналигини, соҳир қудратга эга бўлган холиқ олдидаги ҳайратини ва бу гўзалликлардан вақт келиб абадул-абадга маҳрум бўлишга маҳқум этилган жонларнинг ғуссасини ифода қилиб келди. Шунинг учун ёр — гўзаллик тимсоли, бераҳмлик тимсоли, бевафолик тимсоли. Бамисоли дунё, тириклик, умр, жон каби.

Шоир куз либосидаги боғаро юксалган, баҳорий тўн кийган, гўзал ва мағрур сарвга боқади ва унинг қомадида етолмаган орзуларининг юксаклигини кўради. Сарв ёр қиёфасига киради:

**Сен, эй гул, кўймадинг  
саркашлигингни саредек ҳаргиз,  
Аёгингга тушуб, барги  
хазондек мунча ёлвордим.**

Сарв остида ётган хазон баргида шоир ўзининг ҳолатини кўради. Чунки хазон япроғи — ўзи жудолик рамзи. Шоирни ҳам умр кўзида қисмат шамолли ўз она дарахтидан — ўз юртидан йироқларга учирди ва тупроқаро йўқ бўлиб кетишга маҳқум қилди.

## Тарих тилсимлари

# ЁҶЗ латофати

Бобур ёр саркашлиги заминидан қисмат саркашлигини кўради ва ўзининг қудрати олийдан нажот сўраб қилган илтижоларини сарв оёғи остида ётган хазон баргининг бенажот аянчли сандоси ва титроғига қиёс этади.

Шоир хаёли олисдаги ватанига учеди. Унга чексиз муҳаббат билан, жудолик алами билан мурожаат қилади: Мен-ку ўз она-дарахтидан узилган япроқ каби тақдир қуёнида узоқ-узоқларга кетдим, аммо сен омон бўл, ғариб фарзандинг тилаги:

**Латофат гулшанида гул киби  
сен сабзу хуррам қол,  
Мен арчи даҳр боғидин хазон  
яфроғидек бордим.**

Ўз ватанидан хазон япроғидек узилб кетган шоир ўз қалби билан, жони билан туғилиб ўсган ватанида, қисмат уни юртдан айирган бўлса-да, юрт меҳридан айирган эмас. Ахир, уни ватанидан жудо қилган — тожпараст шаҳзодалар, вафосиз қариндошлар, хулласи — бешафқат замон, гардуни дун — чархи кажратор...

Шоир ўз бошига тушган кўргиликларни омадсизлик, бебахтликдан кўради. Ахир, мунажжимлар ривоят қиладилар — ҳар бир тирик жоннинг осмонда бир юлдузи бўлади. Бу юлдузининг ҳолатига кўра, одамзоднинг кунлари бахтли ё бахтсиз кечади. Шоҳларнинг-да нусрати ва ё мағлубияти шу юлдузларнинг мавқеига боғлиқ, дейдилар. Не кўргуликким: шоирнинг умр бўйи бирор куни бахтли кечмади, бирор дақиқа ҳақиқий шодлик наъшасини сурмади. У афсус билан нола қилади: «Ҳамманинг осмонидан ўз юлдузи бўлганда, балки менинг юлдузим аслида йўқмикин?»

**Не толеъдур манеаким,  
ахтари бахтим топилмайди,  
Фалак авроқини ҳар нечақим  
дафтардек ахтардим.**

“Фалак жадвалларини, осмон хари-таларини неча бор варақлаб ахтариб чиқдим, менинг бахт юлдузим кўринмайди”.



Бу мисралар бетоле замондан, бе-шафқат одамлардан, андуҳли тақдирдан улуг шоирнинг аламли фарёди-дир. Байтнинг теран маъноси, сўнгсиз дард ифодаси бизни қанча изтиробга солса, ундаги бадиият, санъат шунча дилимизни нурга тўлдирди. Ахтар сўзининг бир маъноси юлдуз, яна бир маъноси изла, қидир демақдир. Бобур Мирзо ўзининг бетолеъ умридан ҳасратга тўлганда ҳам унинг баёнига гўзал сўз излайди. Юлдузимни қидирдим, деган ибора ўрнида ахтаришни ахтардим, дейди ва байтни юксак санъат даражасига кўтаради.

Шеър сўнгги байтга келди. Шоир хаёлан ўзининг ўтган бутун умрини фалак дафтарини варақлагандек варақлайди. Бу дунёда кўрган машаққатларини, ошган довларини, жангу жадалларни, ҳамсуҳбат бўлган яхши-ёмон одамларни кўз олдига келтиради ва бирмунча ўзига тасалли беради. У айтади:

**Улуснинг таъну таърифи манга,  
Бобур, барбардур,  
Бу оламда ўзумни чун  
ямон-яхшидин ўткардим.**

Майли, улус менинг тўғримда нима деса десин, қандай таъналар ёғдирса ёғдирсин, таъна-ю мақтовлар мен учун аҳамиятсиздир. Чунки мен ўзимни яхши ёмондан ўткардим, яъни яхшиликни, ҳам ёмонликни ҳам кўрдим.

Барча улуг даҳолар нидоси каби Бобурнинг нидоси ҳам фақат ўз замони ва замондошларигагина эмас, олис авлодларга ҳам қаратилгандир.

Не ҳайратки, биз улуг шоирнинг узоқ набиралари Бобур шеъриятини ҳам таърифладик, ҳам Ҳиндистонни истило қилган шоҳ деб, таъналар ҳам отдик. Лекин вақт ҳақами ўз ҳукмини чиқарди. Тарих Бобурни Ўрта Осиёдаги шоҳу шаҳзодаларнинг ўзаро низолари қувғундиси сифатида баҳолади, унинг дарду аламга тўла шеърларини юксак қадрлади. Бобур-рийларнинг Ҳиндистон маданияти, адабиёти, санъати, меъморчилиги ривождаги ўрни тўғрисида ҳақ халқнинг буюк намоёндалари таҳсин сўзларини айтдилар. Куйидаги сўзлар Ҳиндистоннинг тараққиёт-парвар давлат ва жамоат арбоби Жаҳоҳарлал Нерунинг “Дунё тарихига назар” деб аталган китобидан: “... Бобур ўз замонининг энг маданиятли, жозибали одамларидан эди. У хурофий жаҳолатдан, мазаҳ маҳдудлигидан озод бўлган шахс бўлиб, ўз аждодларига ўхшаб (Неру бу ўринда Чингизхонни кўзда тутди) вайронгарчилик қилмади. Бобур санъатни яхши кўрар ва форс тилида шеърлар ёзар эди (Неру ўзбек тилини билмаган ва араб алифбосида ёзилган шеърларни форсий деб англаган бўлиши мумкин). У гулларни, боғларни севарди, жазирама Ҳиндистонда кўпинча ўз ватани Ўрта Осиёни соғиниб ёдлар эди. “Фарғонанинг бинафшалари нақадар гўзал”, — деб ёзган эди у ўз эсдаликларидан. — У ерда лолалар, атиргуллар беҳисоб”.

Бу мустақил Ҳиндистонга асос солган, янги давлатнинг биринчи раҳбари бўлган шахснинг сўзлари. Мана бу эса, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз сўзлари:

**Толёъ йўқи жонимга  
балолоғ бўлди,  
Ҳар ишниким айладим —  
хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори  
юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз  
қаролиғ бўлди?!**

Биз улуг шоиримизни севамиз, унинг ёниқ сатрларини қалбимизга жо қиламиз, хазон япроғи каби ўз ошенидан жудо бўлган ҳижронзада юрак изтиробларини англаймиз ва ярим минг йил оша Бобур ғазалларини қўшиқ қилиб айтаемиз...

**Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг  
ҳажрида саргардим...**

**Марҳаматлик Алишер Мирвоҳидовнинг боғдорчиликка ихтисослашган бир гектар ер майдонидан турли мева-ли дарахтлар, гул кўчатлари барқ уриб ўсиб ётарди. Кўркам боғ, албатта, утган-кетганинг эътиборини тортмай қолмасди.**



бошлиғи айнан ушбу қурилмани ноқонуний эканини айтди.

— Бузасиз, вассалом! Бу ноқонуний қурилган! — деди у.

Боғбон-ку, буни тушунди. Тушунмай ўлибдими, нақ тўрт йил собиқ пахтачилик институти тупроғини ялаган, ёш бола ҳам эмас, аммо не қилсинки, бу иморатни тиклагунча, озмунча маблағ сарфламаганди. Шундай экан, кимдир келиб, “Буз, буз!” деса, у бир гишт эмаски, у ердан-бу ерга силжитиб қўяверилса...

Уша куни Т.Давронов ноқо-

нуний қурилма учун тегишли идораларга хабар бериши, 300 миллион сўм жаримга тортилиши ҳақида ҳам айтди. Шундан сўнг А.Мирвоҳидов ўйга ботиб қолди: нима қилиш керак?! Қандай йўл тутса, ҳаммаси қонуний бўлади?!

Хуллас, у ўйлай-ўйлай Т.Давроновнинг хизмат хонасига борди. “Қурилмани қонуний тартибда расмийлаштиришга ёрдам беринг”, деб илтимос қилди.

Кадастр бошлиғининг хаёлида эса, бошқа ўй айланди. У ҳозир ўзини ўлжаси қаршида турган овчидек

ҳис этарди...

— Майли, сизга бир яхшилик қиламан, — деди ниҳоят у. — Шундай қиламизки, сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам. Яъни мен айтган ҳужжатларингизни тайёрлаб бераман. Бошқа идораларга ҳам сизни югуртириб, хабарнома, далолатнома деган қоғозлар жўнатмайман. Келгусида ўзингиз айтгандек, ўша қурилмаларни расмийлаштириб бераман. Фақат, бунинг озгина чиқими бор — 6000 доллар берасиз...

А.Мирвоҳидов унинг талабига рози бўлди, бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

— Бу маблағни қанча тез етказсангиз, иш шунча тез битади, — деди Т.Давронов. — Яна бир ўйлаб кўринг.

Айтишга осон, талаб қилинган пул кичкина маблағ эмас. Аммо боғбоннинг дўпписи ҳозир тор келиб турганди.

Орадан кўп ўтмай у Т.Давроновнинг хизмат хонаси эшигини тақиллатди.

— Кираверинг, — деди Т.Давронов чеҳраси очилиб. У бир неча лаҳзалар ичида кафтида пайдо бўладиган қатта маблағни ўйлаб қувонарди.

— Оқелдим, — дея А. Мирвоҳидов бир боғлам хо-риж валютасини стол устига қўйди.

Т.Давронов эса, уни тезда олди-ю, иш столи тортмасига ташлади. Сўнг ҳужжатларни тезда расмийлаштириб бе-

ришини таъкидлади.

— Умрингиздан барака топинг, — деди А.Мирвоҳидов ва хонадан чиқди.

Шу пайт, ажабки, хонага бошқа — чақирилмаган ва кутилмаган меҳмонлар кириб келиши ва хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништиришди. Шу тариқа Т.Давроновнинг ғайриқонуний қилмиши яқун топди.

Бу жиноий қилмиш жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судида кўриб чиқилди ва таъмағир мансабдорнинг қилмишига қонуний баҳо берилди. Жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган қилмишни содир этган Т.Давронов суднинг ҳужими кўра, 2 йил қадастр тизимида ишлаш ваколатидан маҳрум этилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу жиноий қилмишни баён этишимиздан мақсад шуки, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, таъмағирликка рўжу қўйиш ҳеч қачон изсиз кетмайди, балки муқаррар жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, ҳалол меҳнат, зиммадаги вазифаларга виждонан муносабатда бўлиш нафақат обрў-этибор олиб келишини, балки кўнгли хотиржамлигини ҳам таъминлашни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Умидаҳон ИМОВОВА,  
Андижон вилояти суди  
жиноят ишлари бўйича  
судьяси**

## Мулоқот

## Савол беринг, жавоб берамиз

— **Айтинг-чи, корхонага нисбатан қачон тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзгатилиши мумкин? Бунинг учун судга ким мурожаат қилиши керак?**

**Ш. РАСУЛОВ,  
Фарғона вилояти**

— Сизнинг саволин-гизга жавобан шуни ай-тиш керакки, амалдаги қонун талабига кўра, агар корхона белгилан-ган муддатларда кре-диторлар олдидаги пул мажбуриятларини, со-лик ва бошқа мажбурий тўловларни бажара ол-маса, шунингдек, ҳисоб рақамида қарзларни қо-лаш учун етарли маблағ мавжуд бўлмаса, у тўлов-га қобилиятсиз деб эъ-тироф этилиши мумкин. Бундай ҳолатда иқтисо-дий судга қарздорнинг ўзи, кредитор ёки вако-латли давлат органи му-рожаат қилиш ҳуқуқига эга. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 210-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, яқка тартибдаги тад-биркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғри-сидаги ишлар ушбу ко-дексда назарда тутил-ган қоидалар бўйича, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятлар эътибор-га олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқи-лади. Ушбу кодекснинг 211-моддасига асосан, тўловга қобилиятсиз-лик соҳасидаги муноса-батларни тартибга со-лувчи қонунга мувофиқ қарздор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор ишлар тўловга қоби-лиятсизлик ҳақида иш кўзгатиш тўғрисидаги ариза билан судга му-рожаат этишга ҳақи. Аризага тўловга қобили-

ятсизлик соҳасидаги му-носабатларни тартибга солувчи қонунда назар-да тутилган ҳужжатлар илова қилинади. Бундан ташқари “Тўловга қоби-лиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига кўра, қарздор пул мажбу-риятларини бажармаган-лиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғриси-да иш кўзгатиш ҳақидаги ариза билан судга му-рожаат этиш ҳуқуқига қар-здорнинг ўзи ва кредитор эга.

Қарздор ва кредитор тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақидаги аризада қарз-дорнинг тўлов қобилия-тини тиклашга ёҳуд ту-гатишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини кўр-сулаш зарурлигини кўр-сулаш мумкин.

Қарздор солиқлар ва йиғимлар бўйича мажбу-риятларини бажармаган-лиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғриси-да иш кўзгатиш ҳақидаги ариза билан судга му-рожаат этиш ҳуқуқига қар-здорнинг ўзи, давлат со-лик хизмати органлари, шунингдек, устав фон-дида (устав капиталда) давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Рес-публикаси олдида қарзи бўлган юридик шах-сларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғриси-даги ишлар бўйича ва-колатли давлат органи ва унинг ҳудудий бош-қармалари эга бўлади.

— **Суд иши кўриб чиқилаётган пайтда та-рафлардан бирининг яшаш ёки жойлашув ман-зили ўзгарса, у бу ҳақда судни хабардор қилиши шартми?**

**Л. КОМИЛОВА,  
Сурхондарё вилояти**



— Албатта, бу ҳақда судни хабардор этиш та-лаб этилади. Жумладан, Иқтисодий процессуал кодексининг 129-модда-сига кўра, ишда ишти-рок этувчи шахслар иш юритиш вақтида ўз ман-зили ўзгарганлиги ҳақи-да судга хабар бериши шарт. Бундай хабар ма-жбуд бўлмаган тақдир-да, ажримнинг кўчирма нусхаси судга маълум бўлган охириги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ҳам ёки яшамаса ҳам у

етказиб берилган деб ҳисобланади. Агар ишда иштирок этувчи шах-слар ўз телефон ва факс рақамларини, электрон манзилини судга маълум қилган бўлса, уларнинг иш юритиш вақтида ўз-гарганлиги тўғрисида судни ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳуж-жат тарзида хабардор қилиши керак. Манзил ўзгарганини ўз вақтида маълум қилиш — тарф-нинг ўз ҳуқуқ ва манфа-атларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

**Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси Баҳодир СУЛТОНОВ жавоб берди.**

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

Бош муҳаррир:  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.



## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Алишер УСМАНОВ  
Олимжон ИСМАИЛОВ  
Шухрат ПОЛВАНОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ  
Жамшид САДИНОВ  
Муродулло ҚОДИРОВ  
Замира ЭСАНОВА  
Азиз АБИДОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

## Саҳифаловчи:

Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида офсет усулида босилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўнота  
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6541  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21<sup>30</sup>. Топширилди: 22<sup>00</sup>.